

Тармоқ касба уюшмаларида

Хар йили бошлангич ташкилотлар раислари, ташкилот ва муассасалар кадрлар бўлими назирлари, ҳуқуқшунослар, бош ҳисобчилар иштирокида туман марказлари ва Самарқанд шаҳрида ҳуқуқий масалалар бўйича ўқув-семинар ўтказиб келинар эди. Жорий йилдан бошлаб бу аниқланган усулдан воз кечиб, бундай тадбирларни ҳар бир жамоанинг ўзидан ўтказишни йўлга қўйдик.

Асосий мақсад – ҳар бир жамоада бевосита меҳнат кишиси билан мулоқотда бўлиш, уларга қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, қонунчиликда юз берган янгиликларни етказишдан иборатдир.

Худди шундай ўқув семинарлардан бири яқинда вилоят адвокатлар ҳайъати жамоаси билан ўтказилди. Учрашувга нафақат ҳайъатга аъзо, балки вилоятда фаолият кўрсатаётган адвокатлар ҳам так-

МЕҲНАТ КИШИСИ БИЛАН МУЛОҚОТ

лиф этилди. Таъкидлаш лозимки, адвокатлар ўртасида меҳнат қонунчилиги, унинг муаммолари тўғрисида сўз юритиш осон кечмади. Энг қувончлиси эса муаммоларнинг ечими борасида яқдилликка эришишди. Бундан ташқари касба уюшмаларига аъзо бўлмаган адвокатлик фирмалари, бюрolari билан нуфузли жамоат ташкилотига аъзо

бўлади. Иккинчидан, ҳар бир аъзога ўзининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини касба уюшмаси орқали ҳимоялаш ҳуқуқи кафолатланган. Бу масала долзарб аҳамиятга эга ва бу соҳада адвокатлар четда қолмаслиги лозим. Адвокатларга ишловчи ходимларни иш билан боғлиқ жароҳатланиш ва етказилган зарарни қоплаш тартиби бўйича олдиндан тайёрланган меъёрий ҳужжатлар, низомилар намуналари тарқатилди.

Бу ерда шуни айтиш керакки, адвокатлик билан шуғулланаётган ходимлар учун тузилган жамоат шартномасининг аҳамияти ва моҳияти бошқалардан тубдан фарқ қилади. Сабаби ахборот, ташкилий-услубий ёрдам тарзиде узатилаётган янгиликлар, ўзгаришларнинг етказилиши кундалик турмушда учраётган муаммоларга бошқа кўз билан қарашга сабаб

А. ИСОКОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшма Марказий Кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича вакили

КОРХОНА ЯНА МАҲСУЛОТ БЕРА БОШЛАДИ

«Самарқанд чой қадоклаш корхонаси» маъсулияти чекланган жамияти узок йиллар мобайнида ўз маҳсулоти билан нафақат вилоят, балки булун мамлакат аҳолисини таъминлаб келарди. Бирок мавжуд технологияларнинг эскиргани, хомашё таъминотидаги узлишлар боис корхона сўнгги йилларда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган эди. АҚШнинг «All American Inc.» компанияси билан ҳамкорлик йўлига қўйилган, корхонага 6 миллион 400 миң АҚШ доллари миқдорда сармоя жалб этилди. Замонавий қадоклаш ускуналари келтириб ўрнатилди.

Айни кунда хорижда малака ошириб қайтган мутахассислар Шри Ланка, Ҳиндистан ва Хитойда етиштирилган олий навли қўқ ва қора чойларни қадоклаб, савдо муассасаларида чиқармоқда.

Корхона бош директори ўринбосари Шавкат Бақриевнинг айтишича, ойига миң тонна чой қадоклаш қувватига эга бўлган корхонада йигирма хилдан зиёд чой тайёрланадими.

Корхона фаолияти қайта йўлга қўйилган, бу ерда уч юздан зиёд киши иш билан таъминланди.

Оролбўйидан мактублар

САҲРО САНАМЛАРИ

Мамлакатимиз ҳудудининг катта қисmini ташкил қиладиган қорақалпоқ овулларида қалби Амурдарёдай тошқин, фидойи кишилар яшаб, меҳнат қилишди. Жануби Тўртқўлдан бошланиб, шимолдаги Мўйноққа қадар ястанган саҳий заминда кечаю кундуз ҳаёт қайнади.

Юзлари чўл офтобиде қорайган, содда ва танги, дадил ва қатъиятли Оролбўйи қиз-жувонлари тимсолида Тўмарис жасорати, Гуллойим ва Хурлиман мардлик, Қирққиз ватанпарварлигини кўрасиз. Бир миллион кентардан зиёд Устюрт генгилларида табиат қийинчиликларига мардона бардош бериб, ҳам эл-юрт маъмуричилиги, ҳам фарзандлар қамолоти йўлида бутун куч-қувватини аяматган қоравдор аёллар меҳнати ҳар қандай мактовга сазовор.

Нускустан икки юз чакирим йўл юриб, Қўнғирот туманидаги «Устюрт» ширкатига етиб келди. Қорақўлчиликка иқтисослаган хўжаликнинг бепеён йилларида 32 миң бош қўқ-қўзи боқилди. Мавжуд 64 та чўпон отари бир-биридан 30-40 километр олисликда жойлашган.

– Ўнлаб аёлларимиз чўпонлик билан шуғулланиб, овулда обрў-эътибор топишган, – дейди хўжалик хотин-қизлар кенгаши раиси Гулмира Мустафоева. – Бошқарув кенгаши, касба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда уларнинг турмуш

шароитини яхшилаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўряптимиз.

Жўналиш яйловида «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қоравдор» Қарлиғаш Ортиқовани учратдик. Қарийб қирқ йилдан бери қўйчиликка касбини шарофлаб келаётган онахон чўпон тағбини ўғли Жонибекка топширган. Кенжаотий Ботирбек акасига яқин ёрдамчи. Қарлиғаш опа нафақага чиққан бўлса ҳам доимо фарзандларига мададкор ва маслаҳатдўй, неваралар тарбияси билан машғул.

Қувончи яйловларининг табиий шароити мураккаб. Орол денгизининг сувдан бўшаган ҳудудларидан эсадиган қум буронлари ва туз чанги кўз очиради. Оқик чеҳрали аёл Ритахон Дуйсенова қарийб ўн йилдан бери қўй изидан юради. Турмуш ўртоғи Мендебой Ниёзбоев ва етти нафар ўғил-қиз би билан боқувидеги 413 бош соғлиқни қўлайтириб, отарига отар қўшапти.

4-қўйчилик ширкати аъзоси Бахтиғул Мухамметова Устюрт генгилларида бахту иқбол топти. Турмуш қуриб,

катта оиланинг бекасига айланди. Бир-биридан аклли ўғиллари Нурпўлат ва Нурғашлар билан 366 бош қўқ-қўзи боқаяпти.

Касба уюшма кўмитаси раиси Унгалбой Ибобтиевнинг айтишича, хўжаликда аёллар меҳнати қадрланиб, уларга гамхўрлик кучайтирилди. 2 та мактаб, тиббий пункт, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди. Динахон Ризоголиева раҳбарлигидаги шифокорлар 500 дан ортққ туғиш ёшидаги аёллар ва ўсимир қизларни тулқ тиббий кўриқдан ўтказди.

Президентимизнинг «Хотин-қизлар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича қабул қилган қарориде хотин-қизлар оилада, давлат, жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Шундай экан, қишлоқ ва овулларда яшаб меҳнат қилаётган қоравдор аёллар ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишга янада кўпроқ эътибор берилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

И. ИСОМИДИНОВ

ПИЛЛА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Қўқондаги «Саодат-М» маъсулияти чекланган пилла уруғчилик жамияти янги ҳосилни қабул қила бошлади.

Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» ширкати пиллакорлари бу йил 220 қўти «Ипакчи-1», «Ипакчи-2» этли ипак қўртларини парваришлади. Ширкатнинг Хусанбой Аскарлов бошчили-

гидаги эвено пиллакорлари бир қўти уруғ боғи, 80 килограмм юкори навли пилла топширди. Соляхон Астияхонова 68, Муродил Йўлдошев эвеноси эса 63 килограмм пилла тайёрлади. Вилоятда пилла топшириш қизғин давом этмоқда.



Ижтимоий ҳимоя

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшма Шофиркон туман кўмитаси фуқаролар фаолигини ошириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ташкилотчилик фаолиятини кучайтирмоқда.

Корхона, ташкилот, муассасалар, ширкат ва фермер хўжаликлариде жамоат шартномалари тузилган. Бу муҳим ҳужжатларда иш берувчилар олдига меҳнат муҳофазаси, маошларни вақтида тўлаш, инфляция даражасига қараб иш ҳақларини ошириб бориш, дам олиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш каби масалалар асосий вазифа қилиб қўйилган. Меҳнат муносабатларини тартиб-

оилаларнинг 35 нафар болалари ҳомилар ҳисобидан дам олдирилган бўлса, бу йил уларнинг сони 50 нафарга етказилди. Навоий номили ширкат хўжалигидан Малоҳат Хикматова, Бобур номили ширкат хўжалигидан Саодат ва Малохат Бердиевалар, И.Мўминов номили ширкат хўжалигидан Хожимурот Убайдуллаев, «Шофиркон» хўжалигидан Муҳаббат Нарзиева, Малика Жўраевааларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бо-

ЗАРАРЛИ ШАРОИТДА ИШЛАётганларга ЭЪТИБОР КАНДАЙ

га солишда ижтимоий шерикчилик таъминлашдан кенг фойдаланилди.

Жамоат шартномаси гоётада муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланади – дейди кўмита раиси И.Темиров. – Шунинг учун ҳам унда белгиланган имтиёзлар ҳаётда қандай тadbик этилаётганлиги ҳар чоракда таҳлил этилиб, муаммоларни енчи йўллари изланади, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланади.

Фамхўрлик – ютуқлар гарови: Меҳр-мурувват, саховат инсон ҳаётидеги фойдали амаллардир. Қўмита ва бошлангич ташкилотлар томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, фахрийлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Утган даврда кам таъминланган оилаларга 700 миң сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Бултур ёрдамга муҳтож

бур ва Шароф Рашидов номили ширкат хўжаликларини мактабларига дарсликлар ва ўқув жиҳозлари ҳада этилди.

Хўжаликлардаги дала шийпонлари ҳақиқий дам олиш масканига айлантирилган. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, пахта тозалаш ва машина-трактор паркни ҳисадорлик жамиятларида ходимлар техника хавфсизлиги бўйича қайта тайёрларилган ўқидилар. Зарарли шароитда ишлаётганлар сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланаётди.

Иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашиб, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида касба уюшмалари фаолияти ҳам такомиллашиб бормоқда. Маънавий ва маърифий ишлар самардорлигини ошириш, касба уюшма аъзолари дунёқарашини бойитишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди. Меҳнат-қашларнинг мароқли мада-

ний дам олишларини ташкил этиш, кутубхона, клуб ва бошқа маънавий масканларидан фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Айни пайтда туманда 60 та кутубхона, 16 та клуб бор. Хар хил қўнғилочар тадбирлар ўтказилмоқда. Академик Иброҳим Мўминов номили ширкат хўжалигининг 4-бўлими дала шийпониде «Етти гўзал», Бобур номили ширкат хўжалигининг 8-бригададеги оромгоҳиде «Балли қизлар» кўрик-танловлари уюштирилиб, голиблар рағбатлантирилди. Фалабанинг 60 йиллигига бағишлаб таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Уч авлод учрашуви» ёшлар қалбиде катта таасурот қолдирди.

«Сихат-саломатлик йили» дастури доирасиде меҳнат жамоаларида спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Хусусан, тармоқ хотин-қизлар спартакиадасиде 300 дан ортққ киши қатнашиб, ўзларининг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишлари катта эканлигини намойиш қилдилар. Мусобақа голиблари 200 миң сўмлик қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунга қарамасдан, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Масалан, айрим хўжаликларда бу соҳага етарли даражада маблағ ажратилмапти. Кутубхоналарда янги адабиётлар кам. Қишлоқ клублари ва маданият саройларининг моддий-техник базаси қашоқ, жиҳозлар ва мусиқа асбоблари етишмайди.

И. НИШОНОВ

Тадбиркорлик – давр талаби

СИФАТИГА ГАП ЙЎҚ

Шаҳрисабз шаҳридаги дехқон бозори ёнидан ўтиб қолсангиз, йўл четидеги бир-бирдан чиройли, бежирим қилиб ясалган уй жиҳозларига кўзингиз тўшади. Хонтахта, оромкурси, шифонер, тағлиқлар ҳар қандай мижозни эътиборини тортади.

Нўъмонжон Аскарловлар оиласи кўпдан бери дурдгорлик билан шуғулланиб келишди. Айни пайтда сулола аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун бор имкониятлардан фойдалан-

моқда. Хомашё учун материаллар асосан хонадон томоқлариде ўстирилаётган тераклардан чиқади. «Буюк ипак йўли» кўчасиде жойлашган «Меъёлоти ва «Оилалар тинчлиги учун» федерацияси ҳам жиҳозларини ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатлигини дандир.

Айтганча уста тадбиркорлар эскириб қолган жиҳозларни ҳам таъмирлаб, жило бериб, хонадонларга файз киритишяпти.

С. ШАВКАТОВ

МАҲАЛЛА КАТТА КУЧ

Барча яхши ҳислатлар соғлом турмуш тарзи тўфайли юзага келади. У эса энг аввало оилада шаклланади. Сирғали туман «Оила маркази»да шаҳар «Қамолот» ташкилоти ва «Оилалар тинчлиги учун» федерацияси ҳамкорлигиде ташкил этилган «Соғлом авлод – юрт таянчи» мавзусидеги давра суҳбати бу фикрни яна бир қарра тасдиқдан ўтказди. Унда шаҳар «Оила маркази» туман раҳбарлари, ФХДБ бўлими мудирилари, мутахассиси ва шифокорлар қатнашдилар.

Қизиқарли баҳо-мунозаларга бой бўлган кичик илмий анжуман ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шаҳар «Оила маркази» раҳбари Т.Йўлчиеваннинг «Соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг ўрни» мавзусиде

даги маърузасиде таъкидланишича, кўпгина кўрсаткичлар бўйича ижобий ютуқларга эришилди. Лекин, шунга қарамай, баъзи туманларда вояг етмаганлар ўртасиде жиноят содир этиш ўтган йилга нисбатан ортган. Маҳаллаларнинг энг ортққ нуқтасиде бўлган «нолч оилалар» ҳам бирмунча қўяйган.

«Соғлом аёлч – соғлом фарзанд» мавзусиде сўзга чиққан Республика педиатрия институти директори Д.Махмудова ҳам аёллар ўртасиде юзага келаётган ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

О. ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

«ЗОМИН»НИНГ АФЗАЛЛИГИ КЎП

Ҳадемай ёз бошланади. Кўпчилик юрдошларимиз бу фаслда меҳнат ташкилига чиқиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун дам олиш масканларига отланади. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясини кенгаши қурортлар бошқармасидан УЭА мухбирига хабар беришларида, тизиндаги санаторий ва оромгоҳларда мавсумга кнэзин тайёрларлик қўрилади.

Шу кунларда Жиззах вилоятидеги «Земин» санаторийсини янада ободлаштириш ва қайта таъмирлаш ишлари аважда. Бунинг учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясини кенгаши 200 миллион сўм ажратган. Туркистон тоғ тизмаси этакларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган мазкур дам олиш

маскани ўзининг хушманзара ва баҳаволиги билан дунёнинг энг машхур оромгоҳларидан қолишмайди. Бу ерда эллиқдан зиёд турдаги шифобахш гиёҳлар ўсади. Даволаш жараёнида улардан самарали фойдаланилади.

Замонавий диагностика ва физиотерапия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 220 ўринли санаторийда асосан нафас йўллари, асаб тизими касалликлари даволанади. Фитобар хонасиде доривор ўсимликлардан ўн хилдан зиёд дамлама тайёрланади. Оилавий дам олувчилар учун «Она ва бола» бўлими ташкил этилган. Катталар ва болаларга мўлжалланган икита спорт зали ҳам барча қўлайликларга эга.

И. НИШОНОВ

«Ишонч» фoш этади

26 декабрда 9-Охунбобоев сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгашига депутат этиб сайланган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасиде депутатларнинг мақоми тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ тегишли вақиллик оромларининг розилигисиз депутат

қизларимизнинг ҳақ-ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояда.

Тумандаги 3-ўрта мактаб директори Шарофиддин Ҳамидов, 31-мактаб директори Чўли Қиёмов касаллик варақаси бўлишига қарамай мажбурий равишда аттестация олиб келинган. Ҳолбуки, бундай адолатсизлик-

АТТЕСТАЦИЯДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР

ка ҳар қандай асаби мустаҳкам киши ҳам чидай олмаслиги турган гап. Соғлиги ёмонлашган ва оғир руҳий кечинмаларни бошидан кечирган раҳбарлар аттестацияда юкори балл тўплаган бўлсаларда, суҳбатдан қайтарилган.

Аттестация комиссиясини раиси ва аъзолари афтидан 3-ўрта мактаб директори Шарофиддин Ҳамидов вазибалари белгилаб берилган. Бу муҳим ҳужжатлар хотин-қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги иштирокини фавқлаштиришга қаратилган. Демократизми, хотин-

юртимизга катта обрў келтирилганларини наҳотки унуттишган бўлса!

Қўлимизда Чироқчи туман халқ таълими бўлими мудири Меъли Жўраевнинг таълим ва фан ҳодимлари касба уюшма вилот кенгашининг раиси Шодмон Кубаев номига ёзган билдириш хати. Унда жумладан шундай дейилади: Чироқчи туман халқ таълими бўлими маъмурияти шунини маълум қиладики, Сизнинг 2005 йил 17 мартда туман халқ таълими бўлимига қарашли 3-ўрта мактаб директори Ш.Ҳамидов, 31-мактаб директори Ч.Қиёмов, 20-ўрта мактаб директори О.Нафасова ва 5-ўрта мактаб директори Х.Мўминовларни ишга тиклаш ва меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда камчиликларни бартараф этиш юза-

сидан киритган тақдирномангиз ижроси таъминланди. Юқориде номлари кўрсатилган раҳбар ходимлар ўз ишига тикланиб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди...

Яна бир аҳабанарли ҳолат бор. Аттестация комиссиясини томонидан аттестациядан ўта олмаган раҳбар ходимлар учун фақатгина бир марта, яъни, 2004 йилнинг 25 ноябрда апелляция комиссиясининг йиғилиши ўтказилган, йиғилиш санаси мактаб раҳбарларига негадир маълум қилинмаган. Бугунга келиб бир неча мактаб раҳбари қаерга ва кимга мувожабат қилишларини билолмай юришибди. Таълим ва фан ҳодимлари касба уюшма Қақшқадар вилот кенгаши раиси Ш.Кубаев ҳамда ҳуқуқшунос Н.Пардаев имносига билан Ўзбекистон Республикасини халқ таълими вазири номига тақдирнома юборилиб, юқориде номлари тилга олинган раҳбар ходимлар аттестациядан ноқонуний тарзда ўтказилганлиги, уларга нисбатан чиқарилган қарорлар ҳам ноқонуний эканлиги таъкидланиб, инсон тақдир билан боғлиқ масалалар адолат юзасидан ёндошиш сўралди.

Ш. СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

САВОЛ: I гуруҳ ногирониман. Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашганман. Менга пенсия қандай ҳисоблаб чиқарилади?

З. САИДОВА, Зомин тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобил ҳалокатидан зарар кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги 1992 йил 6 апрелидаги 170-сонли қарори билан Чернобил ҳалокатидан зарар кўрган Ўзбекистон фуқаролари берилдиган ҳақ-ҳуқуқлар, пул компенсациялари ва имтиёзлар рўйхати тасдиқланган. Чернобил ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашиб зарар кўрган шахсларга пенсия тайинлаш учун тоифа бўлиниши:

- 1) хизмат сафарига юборилганлар;
 - 2) муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар;
 - 3) ҳарбий комиссариатлар орқали махсус йиғинларга чақирилган ҳарбий мажбуриятли шахслар.
- Бу фуқароларга ногиронлик пенсияси ҳар иккала яъни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти» ҳақида «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланиши мумкин. Энди юқорида айтиб ўтилган уч тоифа фуқароларга пенсия тайинлаш тўғрисида алоҳида-алоҳида тушунича бериб ўтаск.
1. Хизмат сафарига юборилганларга ногиронлик пенсияси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 6-апрелдаги 170-сонли қарориди белгиланган тартиб бўйича тайинла-

нади. Бунда ўртача иш ҳақини ва пенсия миқдорини ҳисоблашда куйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

- а) ўртача бир ойлик иш ҳақини ҳисоблаш учун Чернобил фожеаси оқибатларини бартараф этишда қатнашган даврининг давомийлигини;
- б) Чернобилдаги ёки ҳоҳлаган беш йилликдан ҳисобланган ўртача бир ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 карриси билан чегараланмасдан инobatга олинади;
- в) ногиронлик пенсия соғлиғига etkazилган зарар (фоиз) миқдориди (боқувчисини йўқотганлик пенсия эса ҳар бир боқувчига 40 фоизда) тайинланади;
- г) пенсия миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 январдаги 7-сонли қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда белгиланган энг юқори миқдорлар билан чегарланади. Улар куйидагича:

- I гуруҳ ногиронларига - энг кам иш ҳақининг 10-ба-
- гилшича 50-фоизи даражасида белгиланади.
- д) Пенсия миқдори кам чикса, энг куйи миқдорларда белгиланади:
- I гуруҳ ногиронларига - энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдориди;
- II гуруҳ ногиронларига - энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдориди;
- III гуруҳ ногиронларига - энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдориди;
- боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақи миқдориди белгиланган.
- е) Пенсияга оилавий қўшимча ёки оширишлар белгиланади.
2. Чернобил зонасида муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга ногиронлик пенсия тайинлашда ўртача иш ҳақини ва пенсия миқдорини ҳисоблашда куйи-

рбари миқдориди;
II гуруҳ ногиронларига - энг кам иш ҳақининг 8-баробари миқдориди;
III гуруҳ ногиронларига - энг кам иш ҳақининг 4-баробари миқдориди;
боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақининг 3-баробари миқдориди;
пенсияларнинг энг кам миқдорлари кўрсатиб ўтилган энг кўп миқдорларнинг те-

йидагиларга эътибор бериш керак;
а) ногиронлик пенсия (улар вафот этганда боқувчисини йўқотганлик пенсияси), 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчилар пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қо-

Саволларингизга ҳуқуқшунос

Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: II жаҳон уруши қатнашчисиман. II жаҳон уруши қатнашчиларининг пенсиясига қўшимча бериладими? Қандай имтиёзлар бор?

С. РАХМАТОВ, Нарпай тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 28-моддаси «ж»-бандига асосан уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (элик) фоизи миқдориди ҳисоблаб чиқарилган

II жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзлар

яшаш жойидаги поликлиникаларда бепул таъмирлаш ҳамда тайёрлаш;
- тиббий хулосага асосан протез-ортопедия бўюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;
- барча турдаги (таксидан ташқари) шаҳар йўловчи транспортларида бепул юриш;
- маъмурий туман ҳудудидаги (таксидан ташқари) йўловчи транспортларда бепул юриш;
- шаҳар атрофида қатновчи (таксидан ташқари) йўловчи транспортларда, жумладан, шаҳар атрофида қатнайдиган темир йўл транспортларида бепул юриш;
- ҳаво, темир йўл шаҳарлараро автомобил транспортларида 1 йилда бир марта (бориш, қайтиш) чипта ҳақининг 50 фоиз арзонлашган нарҳида юриш;
- коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бери-

- ер солиғидан озод этилади;
- ишловчи пенсионерлар иш ҳақи билан биргаликда пенсияларини ҳам тўлиқ олиш ҳуқуқига эгалар.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



лар (уларнинг оилаларига) ногиронлик пенсияларига хоҳишига кўра хизмат сафарига юборилганлар сингари 1993 йил 3-сентябрда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ёки 1990 йил 28-апрелдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан тайинлиши мумкин.

Бу тоифадаги фуқароларга пенсияни энг кам миқдордаги иш ҳақининг беш баробаридан ҳисоблаш назарда тутилмаган.

пенсияларга устама ҳақлар берилди.
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга қонун ҳужжатларида куйидаги имтиёзлар белгиланган:
- шифокор рецетпига асосан бепул дори-дармон олиш;
- даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;
- икки йилда бир маротаба бепул сихатгоҳ йўлланмасини олиш;
- тиш протезларини

II гуруҳ ногирони вазифасидан озод қилиниши шартми?

Саволнингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: тиббий кўрик натижалари бўйича II гуруҳ ногиронлари вазифасидан озод қилиниши шартми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Т. ҲОЗИБОЕВА, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан ҳодимга учинчи, иккинчи ва биринчи гуруҳ ногиронлиги белгиланади. Гуруҳ ногиронлигига ҳодим умумий касаллик, ишлаб чиқаришда жароҳат олиши ва касб касаллиги тўғрисида қилиниши мумкин.

Ҳозирги кунда амалиётда ТМЭК томонидан ҳодимларга II гуруҳ ногиронлиги бериш ҳоллари кўпубай учраб туради ва «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулоса чиқарилади. Бу хулосага мувофиқ ҳодимни бажараётган ишига нолийк деб топиб бўлмайди ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда II қисми 2-бандига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Албатта, ТМЭК Меҳнат кодексига мос равишда «Меҳнатга қобилиятсиз» сўзларининг ўрнига «ҳодим бажараётган ишига нолийк» деб ўз хулосасини берса, ўртадаги тушунмовчиликларга чек қўйилган бўларди. Ҳозирча ТМЭКнинг янги йўриқномаси қабул қилинмаган экан, иш берувчи томонидан бу масалада куйидаги ишлар амалга оширилмоғи зарур:

лиятсиз» деган хулоса берилса, иш берувчи томонидан ҳодимни «Меҳнатга қобилиятсиз»лигига аниқлик киритилиши зарур. Бунинг учун иш берувчи Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги 328-сон қарорига асосан ишлагани давом эттириши ҳоҳловчи шахснинг турар-жойидаги (кузатувида бўлган) даволувчи врачдан ВКК орқали ёзма равишда бажараётган ишини давом эттириши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тиббий хулоса олиши зарур. Хулосада ишнинг хусусияти ва шароити, бир кундаги иш соатлари сони, ҳафта давомида иш соатларининг сони кўрсатилади ва кейинчалик саломатлигининг аҳоли юзасидан таъсияномалар бериш билан мунтазам кузатув белгилаб қўйилади. Хулосаларни беришда ВКК меҳнат фаолиятининг таъсири остида ногироннинг аҳоли бирдан ёмонлашиб қолиши, шунингдек, атрофдагилар учун хавфли ҳолат рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олади. Бундай ҳолларда мазкур даврда ишлаш ман этилади.

Тиббий хулоса бу барча учун бажарилиши шарт. Шунинг учун тиббий хулосада ҳодим ўз вазифасида ишлаши мумкин эканлиги кўрсатилган бўлса, иш берувчи унга тиббий хулосада кўрсатилган иш билан таъминлашга ҳаракат қилади. Унинг имкони бўлмаса, иш берувчи ўз ташаббуси билан ҳодимни Меҳнат кодексининг 100-модда II қисмининг 2-банди билан бажараётган ишига нолийк деб топиб, меҳнат шартномасини қасба уюшма кўмитасининг розилигини олган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Албатта, иш берувчи ҳодимни бу асосда вазифасидан озод қилишдан олдин амалдаги қонунга асосан ҳодимни иш билан таъминлаш чораларини кўриши ва тиббий хулосага асосан унинг розилиги билан у бўш бўлган лавозимга ишга ўтказилиши зарур.

Агар ҳодимни иш билан таъминлашнинг имкони бўлмаса, Меҳнат кодексининг 101-моддаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари қасба уюшма Марказий кўмитаси ўртасида тузилган Келишувга асосан қасба уюшма кўмитасининг розилиги олинган олинди.

Қасба уюшма кўмитасининг розилиги олинган кейингина иш берувчи ҳодимни Меҳнат кодексининг 100-моддаси II қисми 2-банди билан уни бажараётган ишига нолийк деб вазифасидан озод қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради ва Меҳнат кодексининг 102-моддаси асосида икки ҳафталик оғохлантириш муддатига пуллик компенсация (чунки соғлиғи тўғрисидаги вазифасини бажара олмайди), 109-моддага биноан эса бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси тўлайди.

Агар ҳодим ТМЭКнинг «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулосасига мувофиқ вазифасидан озод қилинган бўлса, ҳодим албатта ўз ишига тикланиши, Меҳнат кодексининг 275-моддасига асосан мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи миқдориди ҳақ тўланиши, бажараётган ишига нолийклигини аниқлаш мақсадида ТМЭКга хат билан мурожаат қилиниши ва меҳнат дафтрасига ўз вазифасига тикланганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувлар киритилиши зарур.

Ҳодимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилиниши Меҳнат кодексининг 9-моддасига асосан қасба уюшма кўмитаси доимо назорат қилиб туриши шарт

САВОЛ: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланган нафақалар, моддий ёрдамлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз. Қонунчилигимизда мазкур нафақалар қимларга, қандай ҳужжатлар асосида, қанча муддатга берилиши назарда тутилган?

А. ЖУМАНОВ, Н. НУРМУХАМЕДОВ, Жиззах шаҳри

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДАН БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАЛАР

ЖАВОБ: амалдаги қонунчиликка кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолига пуллик моддий ёрдамлар ва бир нечта нафақалар тайинланади. Бундай тўловлар ижтимоий ёрдамнинг аниқ манзилли бўлганлиги учун фақат ҳақиқатда шундай ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга тайинланади.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА

Фуқаролар йиғини томонидан энг кўп тайинланган нафақа - болали оилаларга берилдиган нафақа. Мазкур нафақа 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармонида асослашиб ишлаб чиқилган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 437-сонли қарори билан тасдиқланган вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш тўғрисидаги Низомга биноан амалга оширилади. Ушбу Низомга биноан:

- бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди;
 - икки болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди;
 - уч болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизи миқдориди;
 - тўрт ва ундан ортик болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 175 фоизи миқдориди нафақа тайинланади.
- Шунинг билан бир қаторда ногирон болалари бўлган, ота-онаси бўлмаган етим болалар, қариндош-уруғларнинг оиласида тарбияланаётган оиладаги ота-оналардан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган, ота-онадан бири ёки ҳар иккаласи ҳам ишсиз сифатида меҳнат бўлимида ҳисобда турган оилаларга нафақа тайинлашда устулик назарда тутилган.

24 августда 434-сонли Низомда белгилаб берилган.

Ушбу Низомга кўра, объектив, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра оилани ўта зарур эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балогатга етмаган болалари бўлган кўп фарзандли оилалар, боқувчиси ногирон ёки боқувчиси меҳнат қобилиятини қисман йўқотган, суруқали касалликка чалинган шахсларнинг оилалари, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ёрдамга ўта муҳтож оилалар)га ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлиши мумкин.

Нафақа ўй ойма тайинланади ва тўланади. Бу муддат тўғрисида, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам белгиланган янги муддатга тайинланади. Моддий ёрдам тайинлашда юқорида



лаб икки ҳафта муддат давомида оилани моддий ва мулкий ҳолатини кўздан кечириди ва нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақида хулоса беради.

Нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор фуқароларнинг шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла йиғинларида ошқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Йиғин қатнашчиларининг кўпчилиги овоз берса, моддий ёрдам тайинланади ва тўланади. Ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда, шу мақсадлар учун уларнинг ҳисоб-қисматлари мавжуд бўлган маблағлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Моддий ёрдамнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 дан 3 бараваригача миқдорда белгиланиши лозим.

МОДДИЙ ЁРДАМ

Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга тайинланган ойлик пул тўловларидан бири - моддий ёрдамдир. Моддий ёрдам тўловлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги 938-сонли «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш» кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан жорий қилинган бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил

кўрсатилган болали оилаларга нафақа тайинлаш тартиби қўлланилади. Яъни бунда оиланинг муҳтожлик даражасини аниқлайдиган махсус комиссия тўзилиб, икки ҳафта ичида оиланинг моддий ва мулкий аҳоли ўрганилади. Сўнг комиссия хулосаси фуқаролар йиғини (йиғилишига) овозга қўйилади. Йиғин иштирокчиларининг кўпчилиги овоз берса, моддий ёрдам тайинланади ва тўланади.

Ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда, шу мақсадлар учун уларнинг ҳисоб-қисматлари мавжуд бўлган маблағлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Моддий ёрдамнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 дан 3 бараваригача миқдорда белгиланиши лозим.

ЖАВОБ ТДЮИНИНГ «ҲУЖАЛИК ВА МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ» КАФЕДРАСИ ҲУҚУҚШУНОСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАЙЁРЛАДИ


КИЧИК СЕРЖАНТЛАРНИНГ КАТТА НИЯТИ

Чирчик шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабидан курсантларнинг битирув маросини бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тошкент ҳарбий округи кўмондони, генерал-майор Баҳодир Тошматов, мактаб бошлиғи, полковник Назиржон Саидов ва бошқалар курсантларни мактабни битирганлари билан қизгин табриқлаб, масъулиятли хизматда уларга муваффақият тиладилар. Бу ёрда Куролчи Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлиналари учун

Мактабимизга 25 ёшдан ошмаган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёки шартнома асосида хизмат қилаётган ёшлар қабул қилинади. Одам чин дилдан интиқилса - ниятига етаркан, дейди қашқадарёлик кичик сержант Абдуназар Фозил. Муддатли хизматни чегара қўшилари сафида ўташни, шу ёрда шартнома асосида хизмат қилишни, кичик сержант унвонини олишни оруз қилгандим. Мана, ниятигизга етдим. Машиқулотларда ўрганган билимларим амалиётда қўл к-

лади, деб ўйлайман. Тошкент шаҳридаги тиббиёт билим юртини тугатганман. Беш йилдан буён ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшиларида хизмат қилаяпман, - дейди мактабни кичик тиббиёт ходими йўналиши бўйича битирган Бекзода Жуашаева. - Олти ой мобайнида мутахассислигим бўйича билим ва малакамни мустаҳкамладим. Ватанимга, халқимга садоқат билан хизмат қилиш - олий ниятим. Ҳодимнинг пул ундиришига доир бошқа талаблари уч йилдан ортик бўлмаган муддат учун қаноатлантирилади. Ушбу ҳоидлар МКнинг 275-моддасида белгилаб қўйилган.



Болалар спорти жонкуярлари



Мураббийлик шарафли касб. У инсондан катта масъулият, билим ва иштиёқ, жонкуярлик, шунингдек, кези келганда, кучли сабр-қаноат, зўр матонат талаб этади.

МУРАББИЙ БАХТИ

вақт ичида мактаб ўқувчиларини ўз атрофига тўплаб, қўл жанги тўғараклари фаолиятини йўлга қўйди. Ёш болалар қалбида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотди.

соғлом турмуш тарзини ташвиқ қилиш ҳам катта ютуқдир, - дейди камтаринлик билан устоз.

Дарҳақиқат, жисмонан бакуват, маънан етук ёшлар келажакимизнинг муносиб ворисларидир.

Шогирдлар камоли - мураббий бахти. Негаки, профессионал спортда мусобақалар, галабалар муҳим аҳамиятга эга. Лекин минглаб ёшларни оммавий спортга жалб этиш орқали улар ўртасида

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири

Хотира уйғонса гўзалдир

Хали унда бола эдик. 9 Майни эркиб кўтардик. Мактабимизга урушда иштирок этган фахрийлар тақлиф қилинарди. Уруш кўрган оталарнинг хикоялари бизга жуда қизиқ туюларди.

ганимизда, тушундик. Биз ҳам қўшилда йилгадик. Кейин «уруш-уруш» ўйнамай қўйдик.

СЕН ҲАМИША ЁДИМДАСАН, ЖИГАРИМ!

хаммага кўрсатарди.

Бу ханжарни командирим ўша немисни асир олганим учун берган, - дея изох берарди домла.

Ушанда биз бола эдик. Уруш ва унинг даҳшатларини кино ва китоблардан билардик холос.

Иллалр ўтиб, улғайдик. Афғон уруши деган балои офат туфайли қишлоғимиз икки забардаст йигитнинг темир тобутини қўшиб олганида урушнинг нима эканлигини теранроқ англадик.

Афғонда йигитлик бурчини ўтаётган акамнинг муддати тугаса-да, уйга қайтмагани, бундан изтироб чеккан онамнинг «уруш, номинг ўчсин» дея бўзлаганида тушундим, унинг қандай бало эканлигини.

Тушундим, бу уруш туфайли бири оёғидан, бири қўлидан айрилган аскарларни кўрганда англадик урушнинг ёмон нарсаси эканлигини.

Тонгда туриб, дуога қўлоқ қилиб, ўтганлар рўҳига тилочов қилдим. Ёнимда кимдир ёмбирлагандек бўлди. Ўғлим менга жўр бўлиб, дуога қўл оғанди. Ич-ичимдан қўнғанди. Ўтганлар ёди уммағай, улар мангу барҳаёт!

А. ЮНУСОВ

Хабарлар оқимидан

РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон халқ рассоми Самиг Абдуллаев картиналари босиб ўтган ҳаёт йўли каби рангбаранг. У 1938 йилда ҳарбий хизматга қақарилиб, иккинчи жаҳон урушининг бошидан охиригача жанг майдонларида жон олиб жон берди.

Урушдан қайтгач, буткул ижодга шўнғиб кетди. Ўзбекистон Давлат санъати музейига деярли 30 йил раҳбарлик қилди. Бу орада юзга келган «Қаҳрамонлик», «Хотира» каби асарлари рассомга шўҳрат келтирди.

Ўзбекистон Давлат санъати музейида очилган кўرғазмадан мусавирнинг ижод намуналари урин олди. Бу экспозиция фашизм устидан қозонилган галабанинг 60 йиллигига бағишлаб уюштирилди.

ДОИРА ОҲАНГЛАРИ

Ўзбек миллий мусиқа асбоби - доира садолари кишини ўзига мафтун этади. Бу соз ёш истеъодлар орасида кенг оммалашиб кетганлиги ҳам беҳиз эмас. Доира ва унинг ижро усулларини тарғиб қилиш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Зарб» республика кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланди.

Бу сафарги кўрик-танловга ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан кўллаб ёш доирачилар қатнашиб, ижро маҳоратларини намойиш қилишди. Республика ўқувчилар саройида фаолият кўрсатаётган доирачилар тўғраги азоси Шамсиддин Дадабоев танловда юқори кўрсаткичга эришди.

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ

«Ижодкор ихтирочи болалар» республика танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Давлат патент идораси ҳамда ўқувчилар техник ижодиёти республика маркази томонидан уюштирилган бу тадбир ўқувчи ёшларнинг техникага оид назарий ва амалий қўникмаларини мустаҳкамлаш, жойлардаги техник марказлар иш тажрибаларини оммалаштиришда янги босқич бўлиб хизмат қилди.

Электроника, кимё, нефть ва газ саноати каби йўналишларга бағишланган янги техника ижодкорлигига доир 70 дан ортиқ ихтиро намойиш этилди. Танлов ғолиблари фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А.АЛИЕВ

ТИББИЁТ ТАРИХИ МУЗЕЙИ



леряси жамланган. Тиббиётга оид кўрғазмалар мавжуд.

Туманда 74 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларга 107 нафар малакали ҳақимлар, 601 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишмоқда. 1 та марказий касалхона, 3 та участка шифохона, 23 та кишлоқ врачлик пункти, 2 та кишлоқ врачлик амбулаторийси ишлаб турибди.

Б.НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Фориш тумани марказий шифохонаси қошида тиббиёт тарихи музейи ташкил этилди. Бу ерда тиббий асбоб-ускуналарнинг қадимги ва замонавий турлари ўрин олган. Шунингдек, туманда соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб, нафақага чиққан ва вафот этган саломатлик россияларнинг фотосуратлари, олган унвонлари, улар ҳақидаги маълумотлар га-

ОЛМАЛИҚДА МОТОКРОССЧИЛАР БАҲСИ

9 Май - Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Олмалик кон-металлургия комбинати соврини учун мотокросс бўйича вилоят очик чемпионати бўлиб ўтди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мусобақада Тожикистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий ҳамда пойтахт вилоятидан олтинчи нафар пойгачи иштирок этди.

Икки кун давом этган қизғин беллашуларда Зарафшон спорт клуби аззоси Дмитрий Лимир, Олмалик кон-металлургия комбинати вакили Андрей Сазанов, пойтахтлик Александр Кандратов ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати пойгачиси Евгений Заданов ўз йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

(ЎЗА)

Турфа олам

Қадимда ўтган буюк шахсларнинг ҳаётига оид воқеа-ходисалар гоҳ аниқ далиллар, гоҳ афсоналар орқали бизгача етиб келган. Яқинда олимлар Миср фиръавнларидан бири Тутанхамон ҳамда Франция императори Наполеон Бонапартнинг ўлими юзасидан навбатдаги тадқиқотлари натижаларини эълон қилди.

ТУТАНХАМОН ВА НАПОЛЕОННИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Миср - инсоният тамаддунининг илк ўчоқларидан. Ўзига хос бу юртининг турли мўъжизаларга бой экани ҳам маълум. Шу боис бўлса керак, фотиҳ эоти борки Мисрда қўшин тортиб бораверган. Бир вақтлар Наполеон Бонапарт ҳам Мисрни қўлга киритган ва кўп ўтмай ўз ихтиёри билан мамлакатни ташлаб кетган.

Тутанхамоннинг жасадидан бир гуруҳ халқаро экспертлар томонидан замонавий компьютер томографияси орқали текширилди. Шундан сўнг мутахассислар, фиръавн қасддан ўлдирилган, деган тахминни рад этди. Улар, 20 ёшли фиръавн оёғи синиб, жароҳати оғирлашганидан кейин ҳаётдан қўз юмган, деган тўхтамга келди.

Таъкидлаш керак, ҳаётдан ёш фиръавннинг тириклик чоғида яхши кўрган санъат асарлари, олтин никобли, қурол-яроғ ва бошқа буюмлари топилган. Энг муҳими, унинг қабири бошқа фиръавнларникидан фарқли ўлароқ, беэиён сақланган.

Ҳозирча янги тадқиқот иштирокчиларининг айримлари унинг ўлими жароҳат билан боғлиқ деган тахминни рад этди.

Узбекистон ёнғил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшма Марказий Кенгаши Сирдаёв вилоти «Лолча» АЖ касабаси уюшма кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи

Шафика БАРАСАНОВАНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлирига чуқур таъзия изхор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма Хоразм вилот кенгаши жамоаси Хазорасп туман тармоқ кенгаши раиси Абдулла Матрасуловга онаси

АМИНА АЯНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма Хоразм вилот кенгаши жамоаси вилот кенгаши ҳуқуқшуноси Холбой Қозоқовга онаси

Бибижон РАҲИМОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Саломатлик сабоқлари

бу хасталик кўп учрашини унутманг. Бундай ҳолларда карантини эълон қилиниши шарт.

ёгли, ширин, аччиқ, шўр таомларни, қаз, қабоб ва сутдан ўзини тийиши керак.

Хар қуни сабзи, селдир, петрушка, шивит, қизил лавлаги, бодринг, қатик, сузма, пишлоқ, ширғурч, суви қонган нон истеъмол қилиб туриш лозим.

Сарамасга чалинган одамнинг терисига, қўлига, кийим-кечакларига, идиш-товоқ ва бошқа буюмларига тегишлик керак, бемор бўлмаган мулкотида бўлган қўлни яхши шиллаб совунаб ювиш, одекан олиб шиллаб артиш, терининг зарарланишига йўл қўймалик зарур.

Одатда қон айланганининг бузилиши, илтиҳанинги йўқлиги, уйқусизлик, ич қотиши, кўл-оёқнинг шишиши, жигар ва талочнинг катталаниши сарамаснинг «йўдошлари» эканини унутманг.

Сарамас ниҳоятда ўжар касаллик бўлиб, у гўё тузалиб кетгандай туюлса-да қўлимизда тақдорларидан бошқа касалликларни ҳам қақиритиш мумкин. Шунинг учун сарамасга чалинганда беэиётроқ бўлмаслик даржор.

Соғлом турмуш тарзига амал қилиб, вақтида оватланиш, меҳнат қилиш, дам олиш ва ухлаш, бадантарбия ёки спорт билан шуғулланиб, зарарли одатлардан (алкогол, тамоқи) воз кечиш керак.

С.МУҲАММАДИЕВ, доцент

Бу касаллик халқ тилида ёлтин, сурхбод, рожа деб ҳам юрилади. Сарамас тери, шиллик пардалар ва тери лимфа томирларининг яллиғланиши бўлиб, ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. Айрим табиблар фиръича, унинг асоси иссиқ бод бўлиб, бунда қон касалланади. Сафро қўпайгани сабаб яллиғланиш кучаяди. Сарамасни патоген стрептококклар қўзғатади.

Стрептококклар терига ҳар қандай шикастланишларда, масалан, тирналган, шилланган, қирилган, яра ифлосланганда кириши мумкин. Шу билан бирга одамларнинг сарамасга нисбатан берилувчанлиги ҳар хил бўлиб, касалликнинг пайдо бўлиши учун фақат стрептококкнинг шикастланган терига кириши қифоя қўлма, балки организмнинг маълум даражада сезувчанлиги ҳам зарур бўлади. Кўпинча сарамас йилнинг совуқ вақтларида кузатилади. Сарамас юз, бош ва кўл-оёқда пайдо бўлиб, аввал шишади, қичини кизаради, қуруқлашади, жуда тез кенгайиб, аничиб оғрийдди. Касаллик тўсатдан титраш, бошбадан оғриши, кўнгил айнаши, иситма чиқиши билан кузатилади, гоҳ бемор алаҳлайди, ҳатто ҳушидан кетади. Сарамас болалар ва кексаларда оғир кечади. Бу касаллик бир неча хил бўлиб, баъзан 3-7 кунда ўз-ўзидан (даволанмаса ҳам) тузалиб кетади. Лекин қўзилиб, гавданинг бир жойидан бошқа жойига ўтиши ҳам мумкин. Бу сайёр сарамас дейилади. Эритаматоз сарамас кўпинча юз ва бош терисини ши-

ИЧМАНГ, ЧЕКМАНГ касал бўлмайсиз

кастлантиради, гоҳ оёқ ва қўлда жойлашади. Юз ва бош сарамасида инфекциянинг кириш дарвозаси осон зарарланган тери соҳаси ҳисобланади. Қўлоқ чиганогининг кириш қисми, оғиз бурчаклари яқини, бурун тешиги шундай соҳалардир. Сарамас теридан шиллик пардаларга ёки ақсинча, шиллик пардалардан терига ўтиши мумкин. Бу аздаган сарамас дейилади. Агар сарамас билан зарарланган соҳада серозали суюқлик билан тўлган пуфакчалар ҳосил бўлса, бу касаллик буллёб сарамас деб аталади. Баъзан пуфакчалар ўзидан-ўзи ёрилади. Бунда тўзалмакка роя қилинмаса йирингли инфекция ривожланиши мумкин. Сарамаснинг бундан ҳам оғир флегмоноз хилда тери остида флегмона вужудга келади. Энг оғир хили гангреноз сарамасда касалланган органлар териси ва шиллик пардаларининг тўқималари ўлиши кузатилади.

Сарамасда қон зарарланиши (сепсис), юз соҳасидаги сарамасдан эса

мия пардаларининг яллиғланиши (менингит) сингари ҳафсли асоратлар келиб чиқиши мумкин. Сарамаснинг хроник формаси ҳам мавжуд. Бунда касалликнинг ўткир давриддан кейин ҳам терининг зарарланган ери ши-

шиб тураверади. Олимларнинг фикрича, камфлора мой, бур қуқуни, йод, иктиол мойи, бўёқли моддалар суртиш, қизил матога ўраш, иситувчи компресслар муғлақ фойдалас ва хавфли ҳисобланади. Оқиқат кетган, авитаминоз билан оғирган беморларда, иммунитет қуввати паст кекса одамларда, шунингдек, хроник интоксикациялар рўй берганда, теридаги қатор хроник касалликларда сарамас оғир кечади.

ҲОИДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

Сарамасга шубҳа туғилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш, касаллик аниқланса, бемор шифохонада даволаниши лозим. Қўй, қўён, паррандалар ва бошқа жониворлар ҳам сарамас билан касалланишини, асосан, чўчқаларда

Сарамаснинг олдини олиш учун доимо терининг бўғиллиги ва тозаллигига эътибор бериш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, терининг тирналган, шикастланган, қаварган, кесилган жойини тезда даволал зарур.

Сарамаснинг барча хилларида, шунингдек, йирингли асоратларда асептиканинг барча қоидаларини бажариш, беморни яхши парварши қилиш ва ундан ечиб олинган боғламаларни қўлдирши керак.

Совқотидан сақланиш, ичнинг ва қовқунинг мунтазам бўшатилишига эътибор бериш лозим.

Беморларнинг овқати витаминларга, минерал моддаларга, асосан аскорбин кислотасига бой бўлиши лозим. Ярим суюқ, сабзавотли овқатлар, кўп-кўп суюқлик, чой ичиб туриш тавсия этилади.

Бемор ҳамирли, қовурилган,

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибонат 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган; Босишга топшириш вақти - 21.00; Топширилди -

Маъруза: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134; Ўзбекистон «Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.